Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 1 февраль, № 23 (8085) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 январь куни Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Дастлаб аҳоли ҳаёт даражасини маҳаллалар кесимида ўрганиш натижалари ҳақида маълумот берилди.

Маълумки, дунёда Инсон тараққиёти индекси бор. У аҳолининг ҳаёт сифати, саводхонлик даражаси ва умри давомийлигини қиёсий баҳолайдиган кўрсаткичдир. Бу давлатимиз раҳбари илгари сурган "Инсон қадрини улуғлаш" ғояси билан ҳамоҳанг.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳрида Инсон қадри индексини жорий этиш бўйича таклиф тайёрланган. Бунинг учун Чилонзор, Учтепа, Сергели ва Юнусобод туманларидан биттадан маҳалла танлаб олиниб, аҳоли ўртасида 56 хил масала бўйича сўровнома ўтказилган. Бу орқали маҳаллада қайси соҳа оқсаётгани, одамларда нималарга талаб борлиги аниқланган.

Тақдимотда шундай таҳлилни синов тариқасида пойтахт маҳаллалари кесимида йўлга қўйиш, унинг натижаларига қараб, муайян ҳудудга эътиборни кучайтириш таклифи билдирилди.

— Бунинг мезонлари қандай бўлади? Олти ой ёки йил якунида нимага эришилади? Шунинг учун илмий асосланган тизим керак. Шаҳар ҳокимлигида Ситуацион марказга ўхшаш таҳлил маркази ташкил қилиш, дастурий маҳсулот яратиш зарур. Маҳаллабай ишлаш осон эмас, зиммамизга катта масъулият оляпмиз. Бу тизим қайси маҳаллага, қайси кўчага биринчи бўлиб киришни кўрсатиб бериши керак. Ҳамма ишларни жамоатчилик билан маслаҳатлашиб, маҳаллий Кенгашларда тасдиқлаб, тартиб билан бажариш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Индекс лойиҳасини мутахассислар билан муҳокама қилиб, ҳар томонлама такомиллаштириш, сектор раҳбарларига бу тизимни ўргатиш бўйича тавсиялар берилди. Бу уларнинг ўз иш услубини ўзгартиришга ундаши таъкидланди.

Тақдимотда инвестиция ва экспорт масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Хусусан, бу йил пойтахтимизда 738 та лойиҳа бўйича жами 3 миллиард 800 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиши қайд этилди. Шундан 2 миллиард доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир. 500 та лойиҳа жорий йилнинг ўзида ишга туширилиб, 27 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Инвестиция лойиҳаларини маҳаллалар кесимида шакллантириш чоралари, бу соҳада 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг молиявий, иқтисодий имкониятлари кенглигини, ҳудудий лойиҳаларни кўпайтириб, ҳар бир туманга қўшимча 100 миллион доллар жалб қилиш мумкинлигини таъкидлади.

Ташқи савдо борасида ҳам "ўсиш нуқталари" белгилаб олинган. Хусусан, жорий йилда Тошкент шаҳри экспорти 1 миллиард 400 миллион доллар бўлиши кутилаётган бўлса, 2026 йилга бориб бу кўрсаткични 2 миллиард 500 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

Йирик халқаро брендларни жалб қилиш орқали ҳам ички бозор талабини қондириш, ҳам экспортни ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоалоқа орқали туман ҳокимлари ва сектор раҳбарлари билан маҳаллабай ишлаш масалалари юзасидан мулоқот бўлди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

2022 – 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган **300 га яқин** қонун, **4 мингдан зиёд** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда **"Инсон қадри учун" тамойили** асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида **"Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" тамойили**га асосан ишлаб чиқилган қуйидаги **еттита устувор йўналишдан** иборат **2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** (кейинги ўринларда — Тараққиёт стратегияси) ва уни **"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид** Давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда **адолат ва қонун устуворлиги** тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни **жадал ривожлантириш** ва **юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда **умумбашарий муаммоларга ёндашиш**;

мамлакатимиз **хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат** олиб бориш.

2. Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **уч ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан, "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"ни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" билан интеграция қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи — тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш** йўлга қўйилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи — тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсин;

в) **2023 йил 1 январдан бошлаб** пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) **уч ой муддатда** Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига қуйидаги ўзгартиришлар киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин:

аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш;

болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш.

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА ЁНДАШУВ ЎЗГАРАДИ

Давлатимиз раҳбари раислигида 26 январь куни ўтказилган Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар, биринчи навбатда, "Инсон қадри учун" деган улуғвор ғоя ҳаётга татбиқ этилаётганининг далолатидир.

Таъкидлаш жоиз, 7 та устувор йўналиш, 100 та мақсаддан иборат Тараққиёт стратегиясининг жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган 398 та чора-тадбирга умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард доллар маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

3

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **«Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармон**ни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган **63** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **44** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади. Шунингдек, **19** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **2** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Сенат ялпи мажлиси олдидан

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар берилганидек, яқинда Олий Мажлис Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Ундан ўрин олган масалалар юртимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлгани боис айни чоғда парламент юқори палатаси қўмиталарида қизғин муҳокама қилинмоқда.

Халқаро ҳужжатлар ратификация қилинади

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида "Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенциясини (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги, "МДҲ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Минск, 2021 йил 28 май) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ХМТнинг 167-сонли Конвенцияси асосий мақсади қурилишда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниш ва ҳалок бўлиш ҳолатларининг олдини олиш учун меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини доимий равишда такомиллаштиришдан иборат бўлиб, ундаги аксарият норма ва қоидалар миллий қонунчилигимизга татбиқ этилган.

Сенаторлар фикрича, мазкур Конвенциянинг ратификация қилиниши миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришга, қурилиш соҳасида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади.

3

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ҲАР ҚАЧОНГИДАН ЮҚОРИ

Ҳаётда мўъжиза содир бўлмайди. Ҳар нарсага меҳнат билан, интилиш-изланиш билан эришилади, дейдилар. Тўғри, лекин орзу-мақсадларга эришиш, меҳнатлар самарасини кўриш одатда узоқ вақтни талаб этади. Бироқ бошингда бахт қуши бўлса — инсон қадри улуғланган юртда яшасанг, ҳаётинг бир зумда ўзгариши, орзу-ниятларинг рўёбга чиқиши мумкин экан. Бунга ўз тақдирим мисолида яна бир бор гувоҳ бўлдим.

Дил сўзи

Гап шундаки, 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида Президентимиз "Тошкент шаҳрига сўз" дея айнан бизнинг мактабни видеомулоқотга чақириши хаёлимнинг бир четига ҳам келмаганди. Юртбошимиз "Сергели туманидаги 300-мактаб директори Саидхўжаева Нигора Эргашевна борми орамизда?" дея исмимни тилга олганида, чуқур ҳаяжон билан ўрнимдан турдим, бироқ минбаргача қандай юриб борганимни билмайман, тўғриси. Аввал Президентимиз мендан "Сизга, ҳақиқатан ҳам, Чилонзор, Юнусобод томонлардан ҳам ўқувчилар ўқишга келишадими?" дея сўради. Мен эса "Албатта, ҳозирги пайтда мактабимизда 5 минг 343 нафар ўқувчи таълим-тарбия олишмоқда, ҳақиқатан уларнинг ичида бошқа туманлардан ҳам ўзлари истаб келувчи ўқувчилар бор", дея жавоб қайтардим. Шу вақт мен учун ҳеч кутилмаган (буни мўъжизавий деса ҳам бўлади) бир воқеа юз берди. Мактаб фаолияти ҳақида тўлиб-тошиб гапирар эканман, Юртбошимиз бирдан "Қанақа унвонларингиз бор?" деб сўради. Жавобан 2021 йилда сазовор бўлган орденим ҳақида гапираётганимда, яна тўсатдан "Сизга "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвони берамиз, Фармонни бугун имзолайман" деганида, ҳаяжонланганимдан нима дейишимни билмай қолдим, тилим тутилди, кўзларим ёшланди. Ёнимдагилар эса ширин табассум билан "Йиғламанг, йиғламанг!" дея далда беришар, шунга қарамай, ўзимни севинч кўзёшларидан тўхтатолмадим...

Шу куни Президентимизнинг Фармони эълон қилинди. Халқимизнинг энг ардоқли инсонлари қаторидан ўрин олдим. Бундан жуда хурсандман. Албатта, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаш учун бундан кейин янада ғайрат, куч-шижоат билан ишлашда давом этамиз. Муаллимлик касбининг ўзи улуғ масъулият. Шу масъулият сабаб мана, неча йилдирки меҳнатдан, изланишдан, таълим-тарбия беришдан, жонажон мамлакатимиз эртаси саналган фарзандларимизни камолга етказиш йўлида тунни тун, кунни кун демай ҳаракат қилишдан тўхтаганим йўқ, тўхтамайман ҳам, албатта.

Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси 2022 йил 3 февраль куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида 3-4 февраль кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 1 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. **Маҳалланинг “фаол” модели**ни жорий этиш, уни аҳоли **муаммоларини бевосита ҳал қилиш** ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида **2022 йилда**:

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** фаолияти самарали йўлга қўйилсин;

барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича **муаммоларни ўрганиши** ва **уларга ечим топиши тартиби** жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини **баҳолашнинг бош мезони** сифатида белгилансин;

маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилсин;

маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, молиявий имкониятлари кенгайтирилсин;

маҳаллаларнинг **“ўсиш нуқталари”** ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширилсин;

маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида **спорт ва маданий иншоотлар**, **ижодий клублар**, **бандликка кўмаклашиш** ва **ўқитиш марказлари**, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин;

маҳаллани жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан, маҳалла раиси томонидан маҳаллий **Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш**нинг самарали механизмлари йўлга қўйилсин;

фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан **ишончсизлик билдириш институти** жорий этилсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (М.Убайдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** кенг жамоатчилик, шу жумладан, маҳалла тизимида кўп йиллик иш стажига эга ходимларни жалб қилган ҳолда маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва янгиланган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Тараққиёт стратегиясида **таълим сифатини ошириш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) **1 апрелдан бошлаб** нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юборяётган ота-оналарнинг ойига **3 миллион сўм**гача бўлган тўловлари **даромад солиғидан озод этилсин**.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **икки ой муддатда** Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида:

умумий ўрта таълим муассасаларида **дарсликларни янгилаш** дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан **605 миллиард** сўм ажратилсин;

141 мингта янги ўқув ўринлари яратилсин ва уларнинг сони **2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача** етказилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги ўқув ўринларини яратиш ва мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича чораларни кўриб борсин.

5. Тараққиёт стратегиясида **аҳоли саломатлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) ҳудудларда бирламчи тиббий хизматини **“бир қадам” тамойили** асосида йўлга қўйиб, **105 та оилавий шифокор пункти** ва **31 та оилавий поликлиника** ташкил этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда тегишли қурилиш ишларини **2022 йил якунига қадар** якунлаш бўйича амалий чораларни кўрсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда **икки ой муддатда** хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўллашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга бепул тиббий хизматларни кўрсатиш механизми жорий қилинишини таъминласин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар**:

2022 йилда иқтидорли ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчи ва шифокорларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин ҳамда малакани баҳолаш услубиёти асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни **жадал ривожлантириш** ва **юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2022 йилда йиллик **инфляция** даражасини **9 фоиз**гача ва 2023 йилда **5 фоиз** ҳамда **фискал тақчилликни 3 фоиз**гача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилсин.

Бунда давлат улушига эга **тижорат банкларида трансформация** жараёнларини якунлаб, **2026 йил якунига қадар** банк активларида хусусий сектор улуши **60 фоизгача** чиқарилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) Марказий банк (М.Нурмуратов) билан биргаликда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларни **доимий равишда** кўриб борсин;

б) **2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи** ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида **фойда солиғи** ставкаси 15 фоизгача **туширилсин**.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) **“Яшил иқтисодиёт”** технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилсин.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида қуйидаги лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

Энергетика вазирлиги (А.Султанов), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) **2022 йил 1 мартга қадар** — қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш дастурлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А.Султанов) **2022 йил 1 июнга қадар** — саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш дастури ҳамда электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича қарор.

8. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шароити “оғир” бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттирилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 октябрга қадар** шароити “оғир” бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси **1 фоиз** ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан **1 фоиз** ставкада тўлаш тизимини жорий этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич **тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш** тартиби жорий этилсин ҳамда такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, **ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилсин**.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д.Қосимов) ва Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов) билан биргаликда **уч ой муддатда** тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар хатловдан ўтказиб, уларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли йўналишлар бўйича ягона реестрга киритиш ҳамда ушбу реестрни **2025 йилга қадар тўлиқ ишга тушириш** юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. **2022 йил 1 апрелга қадар** тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда соддалаштирилсин:

айрим фаолият турларига фақат малакавий талабларни белгилаш орқали бино ва иншоот, хона, асбоб-ускуна, техника воситалари, бошқа жиҳозлар ҳамда уларга бўлган шартларни бекор қилиш;

фаолият йўналишидаги эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисни танлаш ҳуқуқини бериш орқали штатида мавжуд бўлиши шарт бўлган ходимларга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш;

муайян фаолият билан кўчма тартибда, шу жумладан, автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда шуғулланиш имкониятини яратиш;

хизмат кўрсатиш мамлакат ҳудудидан ташқарисида амалга оширилиши сабабли хориждан келган буюртмалар бўйича миллий стандарт ва талабларни бекор қилиш;

“боғловчи-оператор” сифатида масофавий хизмат кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари (агрегаторлар) фаолиятига доир махсус шартларни белгилаш орқали айрим лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш бўйича талабларни бекор қилиш.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар талабларининг мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

11. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва **хусусий сектор учун кенг йўл очиш** мақсадида эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига **25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар** тугатилсин:

2022 йилда — 14 та, шу жумладан, сертификатлаштириш хизматлари;

2023 — 2025 йилларда — 11 та, шу жумладан, нефть маҳсулотларини сақлаш, темир йўлларда ташишда қўшимча хизматларни кўрсатиш, аэровокзал ва вокзал олди комплексларини юритиш хизматлари, темир йўлда экспедиторлик хизматлари.

12. Тараққиёт стратегиясида **ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида **ҳудудлар билан ишлашнинг** қуйидагиларни назарда тутувчи **янги тартиби** ўрнатилсин:

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча **туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини** чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади;

ҳар чорак якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги** вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисобот беради;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган **муҳим лойиҳалар** барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда **маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин** қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган республиканинг ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар лойиҳаларини тасдиқласин.

13. Давлат бошқаруви органларининг **“Давлат — инсон учун” тамойили** асосида **ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш** ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида:

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилсин;

барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан, жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин;

давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб борилсин;

давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш тизими яратилсин;

ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **тўрт ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган тизимни самарали йўлга қўйиш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш мақсадида **2022 йилда**:

фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек, ўзаро боғлиқ давлат хизматларини мурожаатни кутмасдан таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

“Фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан туғилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаҳодатнома ва диплом каби муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинсин;

кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилсин.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) **2022 йил 1 октябрга** қадар давлат хизматлари тизимини халққа янада яқинлаштириш, навбатларни қисқартириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва хусусий секторга ўтказиш чораларини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Тараққиёт стратегиясида **адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида **2022 йилда**:

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан **бепул юридик ёрдам кўрсатиш** тартиби жорий этилсин;

қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминлансин;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилсин.

16. Жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун **“дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш** тизими жорий қилинсин.

Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) **уч ой муддатда** “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тизимини ишга туширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) ва Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой муддатда** ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш бўйича дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратиш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашга ҳамда **“Очиқ бюджет”** ахборот портали орқали йўналтириладиган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилсин.

18. **2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ҳамда унинг ишчи гуруҳи таркиблари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия ва ишчи гуруҳ зиммасига Тараққиёт стратегиясига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, уни 2023 — 2026 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларининг тайёрланишини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

19. Белгилаб қўйилсинки:

Тараққиёт стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади;

Тараққиёт стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

20. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда “Тараққиёт стратегияси” маркази таъсисчиларининг “Тараққиёт стратегияси” марказининг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ **тадқиқот ва “акл” маркази сифатида қайта ташкил этиш** ҳамда қуйидаги қўшимча вазифалар юклатиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

тегишли йўналишларда аниқланган тизимли муаммоларни, жумладан, бюрократик тўсиқлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, ишламаётган ҳуқуқий механизмлар, эскириб кетган қоидаларни умумлаштириш;

кўтарилаётган тизимли муаммолар ва Тараққиёт стратегиясида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиб бориш;

тадбиркорлар, олимлар, экспертлар ҳамжамияти ва жамоатчилик вакиллари билан бирга тизимли муаммоларни муҳокама қилган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар чиқиш;

тегишли йўналишлар бўйича мавзули ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий изланишлар олиб бориш.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** “Тараққиёт стратегияси” марказининг фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, шунингдек, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш учун **“илмий майдон”** яратиш бўйича чораларни кўрсин.

21. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Ватандошлар” фондининг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнларига миллий ва халқаро ҳамжамиятни кенг жалб қилиб боришга қаратилган қуйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб борувчи **Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилик гуруҳини** ташкил этиш;

ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаолларидан иборат **Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик гуруҳларини** ташкил этиш ва тизимли равишда жамоатчилик эшитувларини ўтказиб бориш;

фуқаролар томонидан кўтарилаётган ташаббусларни умумлаштириб, фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда **жамоатчилик лойиҳаларини** илгари суриш.

22. “Тараққиёт стратегияси” маркази Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан таҳлилий ва ахборот материалларини Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва оммавий ахборот воситаларида акс эттириб бориш чораларини кўрсин.

23. “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг **жойлардаги ижроси натижадорлигини аҳолига етказиш бўйича онлайн портални** ишга туширсин.

Бунда чора-тадбирлар ижроси бўйича аҳолининг фикрлари, таклиф ва эътирозларини қабул қилган ҳолда илгари сурилган ташаббуслар тизимлаштирилиб, ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борилсин.

24. Вазирлар Маҳкамаси:

мунтазам равишда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

ҳар чоракда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ижро этиш ҳолатини ҳар томонлама муҳокама қилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўйган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриб борсин;

Тараққиёт стратегиясини кейинги йилларда амалга ошириш бўйича йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини ўз вақтида тайёрлаб борилишини таъминласин.

25. Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борсин.

26. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда **мунтазам равишда**:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини **ҳар ойда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш **Республика комиссияси** зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 январь

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

1 Тадбирда МДҲ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимнинг мақсади хусусида ҳам сўз юритилди. Бу, айниқса, сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлар ёпиштирилган товарларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, шунингдек, бундай товарларни МДҲ мамлакатлари давлат чегаралари орқали олиб ўтишнинг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйишда дастуриламал бўлади.

Муҳокама чоғида Битимнинг ратификация қилиниши билан тегишли давлат идораларига ҳуқуқий ҳимоя ва божхона назорати бўйича қўшимча вазифа ва функциялар юклатилиши алоҳида айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссиясини ташкил этиш масаласини муҳокама қилишаркан, бу икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этишини билдирди.

«Аёллар дафтари»даги хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларига 1 трлн. 197 млрд. сўм ажратилди

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи кўриб чиқилди.

Дастур 273 та банддан иборат бўлиб, унинг 117 та бандида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, 14 та қонун, Олий Мажлис палаталарининг 103 та қарори, Президент Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, 156 та чора-тадбирлар дастури ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Қайд этилишича, 2021 йилда Давлат дастури ижроси доирасида умумий қиймати 29,5 трлн. сўм, 2,6 млрд. АҚШ доллари ҳамда 57,5 млн. еврога тенг лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган бўлиб, ундаги 243 та банд тўлиқ бажарилган.

Шунингдек, тадбирда Давлат дастури доирасида бошқа соҳалар каби хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, гендер тенгликни таъминлаш борасида бажарилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 6,5 минг нафар хотин-қизга давлат мақсадли жамғармаси томонидан 100 млрд. 341 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани айтилди.

Бундан ташқари, “аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 96 минг 873 нафар хотин-қизга 1 трлн. 197 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилган. Турмуш шароити оғир ва ногиронлиги бўлган 1630 нафар хотин-қиз рўйхати шакллантирилиб, туман (шаҳар) ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан ҳужжатлар тасдиқланган ва арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида уйларнинг бошланғич бадали учун 31 млрд. 643 млн. сўм берилган.

Мажлисда турмуш шароити оғир ва ногиронлиги бўлган 7 минг 350 нафар аёл ва болаларга 7 млрд. 528 млн. сўмлик реабилитация воситалари тақдим этиш, ўта оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган 500 нафар хотин-қизнинг жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун тегишли жамғармадан 13 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилгани таъкидланди.

Минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган “gender.stat.uz” веб-сайти яратилиб, уни доимий равишда янгилаб бориш йўлга қўйилгани ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди. Қолаверса, олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оила қизлари учун 2 минг 80 та грант ажратилгани ҳам алоҳида қайд этилди.

Моддий маданий мерос объектларига зарар етказганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида дастлаб навбатдаги ялпи мажлисдан ўрин олган масалалар мазмун-моҳияти қисқача тушунтириб ўтилди. Сўнгра “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўрилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар ушбу қонунни қабул қилишга бўлган эҳтиёж, давлат ва жамиятга қандай фойда бериши каби жиҳатларга эътибор қаратди.

Ҳужжат соҳадаги мавжуд муаммоларнинг қонуний ечимини белгилаш мақсадида Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган. Унда моддий маданий мерос объектларини нобуд қилганлик, бузганлик ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, бундай тоифадаги объектларга жуда кўп миқдорда зарар етказганликни ифодаловчи қилмишни оғир жиноятлар тоифасига ўтказиш, дастлабки терговни прокуратура органларига юклаш, Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг ижро этиш мажбурий бўлган кўрсатма ва тақдимномаларини белгиланган муддатда тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам кўзда тутилган.

Сенаторлар мазкур ҳужжат мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объектларини, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектлар ҳамда ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларнинг ноёблигини сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўз навбатида, тадбирда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижроси юзасидан Ҳукумат вакилларининг ахбороти эшитилди.

Давлат дастурининг ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни касб-ҳунарга ўқитиш қисми бўйича фикр алмашилди ҳамда қўмитанинг бу борада Навоий вилоятида олиб борган ўрганиши натижалари юзасидан маълумот берилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2020-2021 йиллардаги фаолияти муҳокама марказида бўлди.

Миллий домен маконида 2097 та қонунбузарлик ҳолати қайд этилди

Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, қўмитанинг асосий вазифалари белгилаб олинди.

Қайд этилганидек, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси халқимиз орзу-умидлари, бугунги давр нафаси ва улуғвор мақсадларини мужассам этган бўлиб, жорий йилги Давлат дастури доирасида умумий қиймати 55 трлн. сўм ва 11,7 млрд. долларлик 398 та чора-тадбир рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган.

Хусусан, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, халқ билан мулоқот тизимини такомиллаштириш, ҳудудий дастурларни жамоатчилик фикри асосида амалга ошириш, маҳаллий Кенгашларни ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабига мослаштириш, давлат бошқаруви органлари фаолиятини “Фуқарога хизмат қилишга йўналтириш” тамойили асосида трансформация қилиш, ичкам, профессионал, адолатли, юқори самарадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий этиш ва мамлакатимиздаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш мақсад қилинмоқда. Бу эса Сенат қўмитасига ҳам катта масъулият юклайди.

Мажлисда бутунжаҳон интернет тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда “Facebook”да 4,7 млн., “Instagram”да 3,7 млн., “LinkedIn”да 288 минг, “Telegram”да 18 млн., “Odnoklassniki”да 16,7 млн., “Twitter”да 51,6 минг ва “В-контакте”да 2,6 млн. фойдаланувчи мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилмоқда.

Кейинги вақтларда бутунжаҳон интернет тармоғи ва ижтимоий тармоқларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот материалларини бериб бориш, болаларни турли ахборот хуружларидан ҳимоялашга қаратилган электрон шаклда иллюстрация қўлланмалари яратиш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаган.

“Википедия” платформасида Ўзбекистон ҳақида маълумотлар камлиги ёки эскилиги, оммабоп онлайн платформаларда мамлакатимиз ҳақида сифатли форматдаги тарихий кино ва бадиий филмлар етишмаслиги туфайли ёшлар ва вояга етмаганларнинг маънавиятга зид турли хорижий контентларга қизиқиши тобора ортмоқда.

Оқибатда эса мафкуравий таҳдидлар орқали аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартиришга, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларни сингдиришга уринишлар бўлмоқда.

Биргина 2021 йилнинг декабрь ҳолатига кўра, миллий домен маконидаги 289 та веб-сайтда порнография, 91 та веб-сайтда эса беҳаёлик ва маънавий бузуқлик тарғиботига хизмат қилиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланган бўлиб, 2 минг 97 та қонунбузарлик ҳолати қайд этилган.

Шундан келиб чиқиб, сенаторлар ўқувчи-ёшларнинг онгига зарар етказиши мумкин бўлган ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ва диний адоватни қўзғатувчи контентларга, таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинларга, тотализаторларга, оилавий қадриятларни инкор этадиган ва жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб қиладиган веб-ресурсларга қарши курашиш бундан кейин ҳам устувор вазифалардан бўлишини қайд этди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ҲАР ҚАЧОНГИДАН ЮҚОРИ

1 Айни мактабда ишлаётганимга шу кунларда 26 йил тўлди, бу ерга биринчи марта оддий ўқитувчи сифатида ишга келганман, 2017 йилдан эътиборан мактаб директори лавозимида фаолият олиб боряпман. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мактабимизда сўнгги 5 йил давомида бирор марта жиноят содир этилмади. Буни фарзандларимизни сифатли ўқитиш баробарида, тарбияга алоҳида эътибор беришимизнинг амалий натижаси, десам, адашмаган бўламан.

Ҳозирги пайтда билим даргоҳимизда 245 нафар ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Ютуқларимизда мактабда ишлаётган ҳар бир инсоннинг алоҳида ўрни бор. Улар билан опа-сингил, ака-укадек бўлиб кетганмиз. Дарҳақиқат, таълим масканимиздан бирорта ўқитувчи норози бўлган эмас. Ҳамиша бир-биримизни яхши англаган ҳолда иш олиб борамиз. Ўқувчилар эса ўқитувчиларини ўз ота-онасидек кўришади, ҳатто уйидагиларига айтолмаган сирларини ҳам шу устозлари билан бўлишишади, улардан маслаҳат олишади.

Биласизми, бу мактабга биринчи ўқитувчи бўлиб келган пайтларимда кўча супуришга чиққанмиз, ўшанда ёнимизга бир машина келиб тўхтаган ва машина ҳайдовчиси бизга қараб “Кечирасизлар, сизлар мардикормисизлар?” дея сўраганди. Шу маҳалда юрагим жиз этган, ичичимдан ўксингандим. Хаёлимдан “5 йил мардикор дейишлари учун ўқидимми?” деган ўй кечди. Бироқ уйга бориб, ота-онамга “Ўқитувчиликка бекор ўқидимми, менам ака-сингилларимга ўхшаб банк, юридик соҳада ўқисам бўлмасмиди?” деганимда, уйдагилар “Йўқ, болам, касблар ичида энг олийси ҳам, энг яхшиси ҳам — ўқитувчилик касби, ҳали шундай кунлар келади, бу афсусланишинг бекор эканига амин бўласан”, деб руҳан қўллаб-қувватлашганди.

Мана, шундай кунлар келди. Ўқитувчилар ҳурмат-эътибори ҳар қачонгидан ҳам юксалди, уларга бўлган қарашлар ўзгарди. Асосийси, “Катта бўлсам, ўқитувчи бўламан, устоз бўламан!” дегувчи ёшлар сафи кундан-кунга кўпаймоқда. Бу, албатта, барчамизнинг ютуғимиз, мамлакатимиз эртаси учун қўйилган тамал тошидир. Бугун устоз эканимдан, муаллимлар қаторида турганимдан бениҳоя хурсандман.

Нигора САИДХЎЖАЕВА, Сергели туманидаги 300-мактаб директори, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

МЕҲНАТИ ҚАДРЛАНГАН КИШИНИНГ ЎЗИГА БЎЛГАН ИШОНЧИ ЯНАДА ОШАДИ

Муваффақият ва меҳнат аслида эгиз тушунчалар. Чунки муваффақият ортида ҳамиша меҳнат туради. Мактабда дарс беришни бошлаганимда 19 ёшда, педагогика институтининг 3-босқичи сиртқи бўлимида таҳсил олардим. Мана, орадан қарийб ўттиз йил ўтибди. Насиб этса, яна беш йилдан сўнг нафақага ёшига етишимни инобатга олсак, бу муддат бир авлод меҳнат фаолиятига тенг давр ҳисобланади. Таълим томонидан қаралганда эса, менинг фаолиятимдан ўттиз-ўттиз беш авлод сабоқ олди, дегани.

Сиртдан ўқиганлар яхши билишади, олий таълимнинг сиртқи йўналиши ҳар қандай мутахассисликка даъвогардан ўз устида кўпроқ ишлашни талаб этади. Қулай томони эса назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланиб, мактабга, болалар ва педагоглар муҳитига яқинлашиш осонроқ кечади. Шу маънода, мамлакатимиз раҳбарининг мактаб таълимини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда педагог кадрлар тайёрлайдиган олийгоҳларнинг факультетларини доимий тарзда мактабларга бириктириш, 1-босқичданоқ ушбу факультетлардаги дарсларни 4 кун олийгоҳда, 2 кун бевосита мактабларда ўқитиш бўйича илгари сурган ташаббуслари соҳа ислоҳотларида ўта муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

Мамлакатимиз раҳбари йиғилишда фидойи, ўзининг ўқитиш услуби, “маҳорат мактаби”га, халқ орасида обрў-эътиборга эга ўқитувчилар ҳар бир туманда борлигини таъкидлаб, номма-ном тилга оларкан, улар қаторида эътироф этилганим, албатта, кўнглимни тоғдек кўтарди.

Мактабда биология фанидан дарс бераман. Ушбу фанга қизиқувчи ўқувчиларни аниқлаб, уларнинг ёрдамида тенгдошларининг ҳам қизиқишини оширишга ҳаракат қиламан. Тўғри, ўқувчиларимнинг ҳаммаси ҳам келгусида биология йўналишини танламас, лекин бу фан уларнинг ҳаётида, шубҳасиз, асқатишини тушунтириб бераман.

Бугун давлат умумтаълимни ривожлантириш соҳасида ўз зиммасидаги мажбуриятларини изчиллик билан, таъбир жоиз бўлса, ортиғи билан адо этмоқда. Биз, яъни тобора ўзини “қушдек енгил” ҳис этаётган ўқитувчилар ҳам кийинишимиздан тортиб муомала, оиламиздаги муҳитгача бу улуғ номга заррача доғ туширмайдиган даражада бўлмоғимиз лозим. Сирасини айтганда, савиямиз, билим даража ва дунёқарашимиз, атрофдаги воқеаларга муносабатимиз, дарс ўтиш услубларимиз замон билан ҳамқадам бўлибгина қолмай, креатив ёндашишларни талаб этиб, пировард натижада эса обрў-эътиборимизни таъминлайди.

Мен шу озод ва обод Ватаннинг эртаси учун хизмат қилаётган ва меҳнатидан эъзозу эътибор топаётган муаллимлар қаторида эканимдан фахрланаман.

Шоҳида ЙЎЛДОШЕВА, Хатирчи туманидаги 22-мактабнинг биология фани ўқитувчиси.

ҚЎМИТА ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ УДДАЛАЙ ОЛДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси “2021 йил сарҳисоби: аҳоли бандлигини таъминлашда янги имкониятлар” мавзуида матбуот анжумани ўтказди. Унда қўмитанинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан журналистларга ахборот берилди.

Сарҳисоб

Таъкидланганидек, қўмита ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида 6 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлган. Қўмита аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Қўмита ўз фаолияти давомида парламент назоратининг таъсирчан механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда, жойлардаги тизимли муаммоларни ҳал этишга, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари зиммасидаги муҳим масалаларнинг ўз вақтида ижро этилиши ҳолатини ўрганишга, ўрганиш якунлари бўйича масъулларнинг ахборотини қўмита йиғилишларида эшитиб боришга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, 13 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Улардан 7 таси қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганишга, 8 таси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга таллуқлидир.

Шунингдек, қўмита ташаббуси билан бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н. Ҳусановга “Малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестрини, касбий стандартларнинг миллий регистрини, малакани баҳолаш марказларининг регистрини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан парламент сўрови юборилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг “Ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти Қонунчилик палатаси мажлисида эшитилди.

Ҳисобот даврида қўмита фаолиятида фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ ўрганиш, улар юзасидан қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Жойлардаги долзарб муаммоларни ўз вақтида, самарали ҳал этиш, фуқароларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари номига жами 67 та депутат сўрови юборилди. Ўтган давр ичида қўмита номига келиб тушган жами 767 та мурожаат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, қўмитага келиб тушган мурожаатлар орқали фуқаролардан 4 та кодексга, 45 та қонун ҳужжатига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар билдирилди. Таклифлари асосли деб топилган 24 нафар фуқарога қўмита томонидан миннатдорлик хатлари юборилди.

Қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтган анжуманда қўмитанинг йил якунларига бағишланган ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА ЁНДАШУВ ЎЗГАРАДИ

1 Кенг жамоатчилик таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатда белгиланган айрим жиҳатларга тўхталиб ўтсак.

Келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,4 баравар кўпайтириш ва камбағаллик даражасини камида 2 баравар қисқартириш режалаштирилган. Аграр тармоқда йиллик ўсишни камида 5 фоизга етказиш, экспорт ҳажмини йилига 30 миллиард доллардан ошириш мўлжалланмоқда. Беш йилда мактабларда қўшимча 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратилади ҳамда Давлат бюджетидан ажратиладиган 605 млрд. сўм ҳисобига дарсликлар янгиланади, мактабгача таълим қамрови 80 фоизга етказилади.

Ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириш кўзда тутилмоқда. “Бир қадам” тамойили асосида 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этилиши, дори воситалари ва тиббий буюмлар учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар 3 баравар кўпайтирилиши белгиланмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор мақсадлар, биринчи навбатда, инсон қадри ва фаровонлиги учун хизмат қилади. Шу ўринда, мазкур ҳужжатда барча соҳа қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида бажарилиши лозим бўлган устувор мақсадлар ҳамда вазифалар белгиланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 6-йўналиши, яъни Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш йўналишида аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш мақсадлари белгиланган бўлиб, мазкур мақсадларнинг амалиётга татбиқ этилиши мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда минтақамиздаги экологик барқарорликни таъминлаш учун хизмат қилади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 200 миллион туп дарахт экиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 50 фоизга етказиш, табиий сув объектларининг санитария-муҳофаза зоналари ва соҳил бўйи минтақаларини белгилаш ишларини якунлаш, Тошкент шаҳрида кўкаламзорлаштириш даражасини 2023 йилда 30 фоизга етказиш, Орол денгизининг қуриган тубида 2026 йил якунига қадар 2,5 миллион гектар яшил майдонларни барпо этиш, шаҳар ва туман марказларида “жамоат парклари”ни ташкил қилиш ишларининг белгиланиши ва амалга оширилиши фуқароларимизнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш кафолатини таъминлайди.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали ижросини таъминлашда бор кучимизни сафарбар қиламиз. Зеро, Тараққиёт стратегиясидаги вазифаларнинг бажарилиши юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Хайрулло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯЛАРДА ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА?

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда халқ вакиллари томонидан инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, одамлар турмуш фаровонлиги ҳамда Ватанимиз ривожига дахлдор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлашдаги техник тўсиқлар бартараф этилиши керак

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида дастлаб “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида стандартлаштириш соҳасида манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаштириш, жаҳон бозорида товар айирбошлашдаги техник тўсиқларни бартараф этиш, илмий-техник тараққиёт жараёнига кўмаклашиш, соҳада ҳамкорлик қилиш, стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда давлат аралашувини камайтириш назарда тутилмоқда.

Маҳсулотлар (хизматлар) ҳамда жараёнларнинг сифати ва уларнинг техник мувофиқлигини ошириш масалаларида истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, стандартлаштириш соҳасида Вазирлар Маҳкамасининг, стандартлаштириш бўйича миллий органнинг, давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўзда тутиляпти.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан лойиҳани пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олиниб, тортишув ва баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасида жисмоний ва юридик шахсларга эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши, ушбу ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаларига компенсация бериш тартиб-таомилларини белгилаш режалаштирилаётир. Шунингдек, ер участкаларининг компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мулк ҳуқуқининг устуворлиги, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, олиб қўйилган ер участкасидан мақсадли фойдаланиши, қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, компенсациянинг кафолатланиши принциплари асосида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан берилган саволларга мутасаддилардан атрофлича жавоблар олиниб, қонун лойиҳаси маъқулланди. Йиғилишда фракция ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Депутатлар эътирози: стандартларни ишлаб чиқишда манфаатлар тўқнашуви мавжуд

“Адолат” СДП фракцияси йиғилишида “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан асосий мақсад стандартларни ихтиёрийлик асосида қўллаш орқали маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларнинг сифатини ошириш ҳамда уларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш, соҳага таллуқли амалдаги қонунчиликни илғор халқаро тажриба ва мезонларга мос равишда уйғунлаштириш ҳамда ушбу соҳада қўлланилаётган тушунчаларни халқаро даражада тан олинган тушунчалар билан мувофиқлаштиришдан иборат.

Шу билан бирга, стандартлаштириш соҳасида манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаштириш, жаҳон бозорида товар айирбошлашдаги техник тўсиқларни бартараф этиш, илмий-техник тараққиёт жараёнига кўмаклашиш ва стандартлаштириш йўналишларида ҳамкорлик қилиш вазифалари ҳам долзарблиги айтиб ўтилди.

Депутатлар айни пайтда стандартлаштириш соҳаси 1993 йилда қабул қилинган “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинаётгани ва ҳозирги кун талабларига жавоб бермаслиги, маънан эскирганини қайд этди.

Биргина мисол, амалдаги қонунда стандартларни ишлаб чиқишда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, стандартларни қабул қилишда бетарафлик ва холислик таъминланишининг қонуний асослари яратилмаган.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан мамлакатимизда стандартлаштириш тизими халқаро амалиёт билан уйғунлаштирилиб, маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларнинг сифати, уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлиги ошади. Фракция аъзолари қонун лойиҳасидаги нормаларга ўз муносабатини билдириб, уни маъқуллади.

Йиғилишда, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш мумкинми?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда фракция йиғилишида кўриб чиқилганда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, депутатлар томонидан бир қатор таклифлар билдирилган эди. Қонун лойиҳаси ушбу таклифлар инобатга олинган ҳолда иккинчи ўқишга киритилди.

Қонун лойиҳаси 6 боб, 42 моддадан иборат бўлиб, унда жисмоний ва юридик шахсларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари ёки уларнинг қисмларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари белгилаб берилган.

Қонун лойиҳаси жисмоний ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, шунингдек, давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг доимий фойдаланишида бўлган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонун лойиҳасининг 4-моддасида қайси мақсадларда ер участкаларини компенсация эвазига олиб қўйиш ҳолатлари жамоат эҳтиёжлари ҳисобланиши санаб ўтилган. Ер участкаларининг ҳар қандай бошқа мақсадларда олиб қўйилиши эса “жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш”, деб талқин этилиши тақиқланади.

Муҳокамалар жараёнида ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига олиб қўйилиши, компенсация, келишув, ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаси масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда муҳокама этилган шу ва бошқа қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиқадиган таклифлар билдирилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2022 йил 1 февраль

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ — фаровон келажагимиз кафолати

Оилапарварлик, боланинг таълим-тарбияси халқимизга хос бўлган энг эзгу ва азалий қадриятлардан бири ҳисобланади. Зеро, фарзандлар улғайиб жамиятда муносиб ўрин топиши, ватанпарвар, комил шахс бўлиб улғайишига аждодларимиз ҳаёт-мамот масаласи деб қараган, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини, куч ва имкониятларини ишга солган. Буюк алломаларимиз ҳам асарларида бола тарбиясига оид қимматли панд-насиҳатларни ёзиб қолдирганки, улар бугунги кун учун ҳам ўз қадр-қиммати ва аҳамиятини йўқотмаган. Мисол учун, Ибн Сино болани тарбиялаш ота-онанинг асосий мақсади ва вазифаси экани, тарбияда энг муҳим восита боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама-якка суҳбатда бўлиб, унга насиҳат қилишдан иборатлигини эътироф этган.

Мушоҳада

Ҳадиси шарифда “Фарзандларингизни ҳурмат қилинг ва уларни яхши ҳулқ билан ҳулқлантиринг”, дея таъкидланади. Ўз навбатида, аждодларимиз тарбия жараёнида бола ҳуқуқлари камситилмаслиги лозимлигини ҳам қатъий уқтирган. Яъни ота-она боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳаққи йўқлиги, фарзандни тарбиялаш менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик, инсонийликка хилоф бошқа усуллардан, болани ҳақоратлаш ва эксплуатация қилишдан холи бўлиши кераклигини қайд этган.

Бугунги кунда юртимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Аввало, Конституциямизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани, 65-моддасида эса фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Шу билан бирга, мамлакатимизда бола ҳуқуқларига оид 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Кейинги вақтларда биргина БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг тавсиялари асосида 20 га яқин қонунлар қабул қилинди. “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги, янги таҳрирдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги қатор қонунлар шулар жумласидандир. Қолаверса, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳам бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш ва фарзандликка олиш тартибини такомиллаштиришга оид тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак, мустақилликка эришганимиздан сўнг, 1992 йил 9 декабрда парламентимиз ратификация қилган илк халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳам “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциядир. Шунингдек, Ўзбекистон бу соҳада ўндан ортиқ ҳалқаро шартномаларга қўшилган.

Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони халқимиз фаровонлиги ва фарзандларимиз келажаги учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳужжатнинг тўртинчи йўналишида адолатли сиёсат юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш зарурлигига алоҳида аҳамият берилган.

Дарҳақиқат, инсон капиталини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири, бу — ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тарбия, мукаммал билим беришдан иборат. Бу борада боланинг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсишига жиддий аҳамият қаратиш муҳим саналади. Зеро, айни вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 5,5 миллион нафари ёки 16 фоизини 10 — 19 ёш оралиғидаги болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Уларнинг келажаги учун ҳар томонлама инвестиция киритиш уч карра таъсир кучига эга эканини, бу сармоя эртага юртимиз тараққиёти йўлида мислсиз наф келтиришини барчамиз яхши биламиз.

Шу ўринда ҳозирги шиддат билан кечаётган ахборотлашув даврида, интернет тармоғи ҳаётимизни тўлиқ қамраб олган бир замонда ушбу янги муҳитга фарзандларимиз қандай мослашмоқда, деган савол туғилади.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистонда 22,5 миллион нафар интернетдан фойдаланувчи рўйхатга олинган, уяли алоқа мижозлари сони эса 22,8 миллион, 4 авлод мобиль алоқа эгалари 16 миллион нафар. Интернетдан фойдаланувчиларнинг 60 фоизи эса 25 ёшгача бўлган ёшлар!

Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, 60 фоиз ёшлар ахборотни интернетдан олади, 62 фоиз йигит-қиз глобал тармоқдан мустақил, ота-она назоратисиз фойдаланади. 80 фоиз ёшлар ижтимоий тармоқ ва мессенжерларга аъзо, Ўзбекистонда “Facebook”дан фойдаланувчилар сони 69 фоизга етган. 30 фоиз ёшлар интернетда кунига 15 дақиқадан 1 соатгача ўтирса, 36 фоизи 1 — 3 соат, 12 фоизи 3 соатдан кўпроқ вақт сарфлайди.

Бу ҳолат фарзандларимиз руҳиятига кўпроқ салбий таъсир кўрсатишини эътиборга олсак, хушёрликни ошириб, кенг кўламли изланиш ва тадқиқотларни олиб бориш лозимлиги ойдинлашади.

Шу тариқа Ўзбекистонда ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурати кун тартибига чиқди. Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарори билан тасдиқланган Эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатларининг олдини олиш чора-тадбирлари дастурининг 7-бандида ҳам Ўсмирлар саломатлиги стратегиясини ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга киритиш вазифаси белгиланган. Шу асосда юртимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасида 2022 — 2026 йиллар даврида ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш стратегияси лойиҳаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди.

Стратегиянинг асосий мақсад ва вазифалари сифатида ўсмирларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ёшларнинг тил ўрганиши, истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш, касбий тайёргарлигини мукаммаллаштиришга алоҳида урғу берилган. Ўсмирлар жароҳатланишининг олдини олиш, ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш улар учун катта кўмак бўлади.

Айтиш жоизки, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам тиббиётнинг бирламчи бўғинида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, айниқса, касалликлар профилактикасига эътиборни кучайтириш назарда тутилган. Жумладан, аҳоли орасида энг кўп тарқалган касалликларни барвақт аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида 2022 — 2026 йиллар даврида ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш стратегияси доирасида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- ўсмирларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича соҳа ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш;
- болалар ва ўсмирларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлашда самарали ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантириш;
- ўсмирларга репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқ ҳақида мутахассисларнинг зарур маълумотларини етказиш;
- миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом авлод дунёга келиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳ ҳолатларининг олдини олиш.

Шу ўринда бу ҳужжатнинг эътиборли хусусиятлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ўсмирлар саломатлигига комплекс ёндашув илк бор амалга оширилянпти;

иккинчидан, ўсмирларнинг соғлом ривожланиши учун ўзини ўзи эксперт сифатида баҳо бериш (мутасадди соҳа ва ёшлар вакиллари тенг равишда) механизмлари жорий этилади;

учинчидан, ўсмирлар саломатлиги тизимини алоҳида молиялаштириш амалиётига ўтиш ва бирламчи тиббий хизмат сифатини ошириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида кўп секторли ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилади;

тўртинчидан, халқ таълими тизимида ҳам соғлиқни сақлаш дастурларини такомиллаштириш ва нафақат тиббий, балки ўсмир болалар учун ижтимоий-психологик хизматларни ҳаётга татбиқ этиш кучайтирилади;

бешинчидан, мазкур йўналишдаги барча жараённи мониторинг қилиш тизими (ҳисоб-китоб, тадқиқотлар ва уларга баҳо бериш) кенг йўлга қўйилади.

Муҳими, бу ҳужжат Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанглиги билан ҳам аҳамиятли туради.

Айни вақтда Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Ҳукуматнинг тегишли тузилмалари мазкур стратегия лойиҳасини такомиллаштириш бўйича иш олиб бормоқда. Бу жараёнда парламентнинг барча вакиллари янада фаоллик кўрсатиши жуда муҳим. Зеро, фарзандларимиз руҳий баркамоллиги мамлакатимизнинг эртанги фаровон келажаги ва жадал тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

КИБЕРТАҲДИД: ЭРТАНИНГ ЭМАС, БУГУННИНГ МАСАЛАСИ

Ҳаётимизни замонавий технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Аммо илм-фан ютуқлари яна бир глобал муаммони кун тартибига киритмоқда. Турли вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиш, қонунга зид ахборотлар тарқатиш, хакерлик ҳужумлари, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқига зид ҳаракатлар, кредит карточкаларидан пул ўғирлаш каби жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлиб, унинг номи “кибержиноятчилик” деб аталмоқда.

Нуқтаи назар

Маълумотларга кўра, кибержиноятчилик бир йилда дунё иқтисодиётига ўртача 26 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етказмоқда. Бугун интернетдан фойдаланувчилар сони 3,5 миллиарддан ошгани, шунингдек, 20 миллиардга яқин қурилмалар интернетга уланган ҳолда ишлаётгани, яқин беш йилда мазкур кўрсаткичнинг икки баробар ошишини эътиборга олсак, бу муаммонинг қанчалик жиддийлигини кўрсатади.

Яқинда Буюк Британиянинг “Comparitech” тадқиқот компанияси томонидан киберхавфсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган 60 та давлат рейтинги эълон қилинди. Япония етакчи бўлган ушбу рўйхатда Ўзбекистон 56-ўринни эгаллаган. Рейтингни тузишда зарарланган мобиль қурилма ва компьютерлар улуши, хакерлик ҳужумлари сони ва ҳужумларга тайёрланганлик, тегишли қонунчилик мавжудлиги каби асослар эътиборга олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кибертаҳдидлар сони ва кўламининг ортиб боришига, асосан, давлат органлари ва ташкилотларининг белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қурилмалардан фойдаланаётгани сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, кибертаҳдидларнинг олдини олиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари мукаммал эмаслигини тан олишимиз керак. Ҳатто бу бўйича ваколатли давлат органи, алоқа операторлари ва тармоқ эгалари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг қонунчилик асослари ҳам таъминланмаган.

Шунингдек, ҳанузгача ахборот ва киберхавфсизликни таъминлайдиган ягона орган белгиланмагани муаммо кўламини кенгайтирмоқда. Муҳим инфратузилма ва унинг объектларининг ҳимояланганлик даражасини аниқлаш учун эса ахборот ва киберхавфсизликни самарали баҳолаш ва назорат қилиш тизими йўқ.

Шу билан бирга, давлат секторининг ахборот тизимлари ва ресурсларининг барқарор ишлаши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари учун бир қатор хавфлар мавжуд бўлиб, улар ҳатто жамоат манфаатлари, жамият ва фуқароларнинг саломатлиги ва фаровонлигига ҳам таҳдид солиши мумкин.

Юқорида қайд этилган масалаларни ҳал қилиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 14 сентябрдаги тегишли қарорига мувофиқ кибермаконда киберхавфсизлик масалаларига ягона ёндашувни белгилаш мақсадида “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тайёрланди. Шу кунларда ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинмоқда.

Қонун лойиҳаси киберхавфсизлик соҳасида юзага келаётган муаммоларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унда киберхавфсизлик соҳасида ваколатли давлат органининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат органлари ва ташкилотлар учун ахборот тизимлари, ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар аниқ белгилаб қўйилмоқда. Энг муҳими, янги қонун асосида миллий киберхавфсизлик саноатини рағбатлантириш ва янада ривожлантириш учун самарали ҳуқуқий база яратилади.

Таъкидлаш лозим, “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020 —2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ҳам ёшларни жисмоний ва маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш, миллий ахборот маконини барқарор ва хавфсиз ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида фракциямиз аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилинишида фаол иштирок этмоқда.

Умуман олганда, киберхавфсизликни таъминлаш масаласига фақат тегишли давлат идоралари эмас, балки бугун ахборот технологиялари билан ишлайдиган, компьютер ёки уяли алоқа воситаларига эга бўлган ҳар бир фуқаро жиддий эътибор қаратиши лозим. Зеро, ушбу йўналишда қабул қилинаётган меъёрлар, тартиб ҳамда талабларга риоя этишимиз ва жорий қилинаётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб туришимиз лозим.

Бахтиёр МАНИЯЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ МАРКИРОВКАЛАШ ТАЖРИБА ЛОЙИҲАСИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, мамлакатимизда ўтган йилнинг 1 июнь санасидан бошлаб дори воситалари ва тиббий буюмлар маҳсулот гуруҳи бўйича тажриба лойиҳасига старт берилган эди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва чет эл компаниялари импортчилари фаол иштирок этган “CRPT TURON” МЧЖнинг тажриба лойиҳаси жорий йилнинг 31 январь куни ўз ниҳоясига етди.

Хўш, бу лойиҳадан кўзланган мақсад нима ва унинг афзалликлари қандай? Қайси дори воситаларида рақамли паспорт тизими синовдан ўтказилди? Қуйида шулар ҳақида фикр юритамиз.

Изланиш

Айтиш жоизки, рақамли маркировкалаш тизими Ўзбекистон иқтисодиёти учун янгилик. Ҳозирги кунда мазкур тизимда тўрт турдаги маҳсулотлар гуруҳи маркировкаланади. “CRPT TURON” МЧЖ мазкур тизим оператори ҳисобланса, Ўзбекистондаги рақамли маркировкалаш ва кузатиш тизими бренди “ASL BELGISI”дир.

Айтиш жоизки, тажриба лойиҳаси — бу маркировкалаш тизимининг ўзига хос жиҳати бўлиб, унда ишлаб чиқарувчилар ҳамда импорт қилувчилар ихтиёрий равишда қатнашади. Лойиҳа бир неча ой давом этади ва ишлаб чиқариш жараёнида керакли бўлган технологик ва операцион тизимлар синовдан ўтказилиб, пировардида энг мақбул вариант танланади.

Бундан ташқари, тажриба давомида маркировкалаш тизими мутахассислари иштирокчи билан доим алоқада бўлиб, юзага келган муаммо ва камчиликларни биргаликда бартараф этади. Натижада тизим мажбурий татбиқ қилинадиган мудатгача ишлаб чиқарувчи маркировка кодларини ўз маҳсулотларида қўллашни ўрганиш баробарида, уларни синовдан ҳам ўтказиб олади.

— Шуни ишонч билан айта оламизки, дори воситаларини маркировкалаш тажриба лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилди, — дейди “Дори воситалари ва тиббий буюмлар” маҳсулот гуруҳи менежери Шафиъа Қосимова. — Тажриба давомида иштирокчиларга 6 млн.га яқин маркировка кодлари тақдим этилди. Аксарият қатнашчилар маркировка тизимининг пуллик функционалини синовдан ўтказди. Миллий каталог тизимида рўйхатдан ўтишдан бошлаб маркировка кодларига буюртма беришгача бўлган жараёнларни назарда тутган. Айримлари эса маркировка кодларига эга воситаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

Шу билан бирга, тажриба лойиҳаси даврида маркировка тизими оператори “CRPT TURON” МЧЖ томонидан иштирокчи — маҳаллий ишлаб чиқарувчи компанияларга керакли ускуналар бепул тақдим этилади. Унда уларга маркировкада зарур бўладиган ускуналар билан ишлашни чуқур ўрганиш имконияти яратилади. Бу учун тизим оператори кўплаб тренинг ва ўқув машғулотлари олиб боради.

Тажриба доирасида қўлланадиган маркировка кодлари ҳам иштирокчиларга бепул берилади.

Шундай қилиб, бир неча ой давом этган тажриба лойиҳасида 27 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи фармацевтик компания ҳамда импорт билан шуғулланувчи 43 нафар ишбилармон қатнашди. Ўзимизнинг “Jurabek Laboratories”, “Nobel PharmSanoat”, “Nika Pharm”, “Remedy Group”, шунингдек, дунёга машҳур “KRKA”, “Dr. Reddy’s”, “ADAMED”, АЖ “Фармак”, “Берлин Хеми”, “Laboratories SA”, “Novartis Pharma Services AG”, “Claus Marsh LTD”, “Abbott Laboratories SA” сингари компанияларнинг Ўзбекистондаги вакиллари шулар жумласидандир.

— Компаниямиз Ўзбекистон фармацевтика бозорида маркировкалаш тизими ёрдамида эришиш мумкин бўлган катта имконият ва истиқболларни кўрмоқда, — дейди “Nika Pharm” фармацевтика компаниясининг ишлаб чиқариш бўйича директори Шерзод Қорабоев. — Эътироф этиш керакки, дори воситаларини маркировкалаш бизга компаниямиз бренди, товар белгиси, фойдаси ва ишбилармонлик обрўсини қалбакилаштиришдан ҳимоя қилиш, ишларни оптималлаштириш, жараёнларни автоматлаштириш, шу жумладан, савдони автоматлаштириш, бизнес кўрсаткичларини таҳлил қилиш, чегирма дастурларини яратиш, мунтазам вазифаларни қисқартириш, аҳолида маҳсулот сифатига ишончни ва сотиш ҳажмини ошириш, умуман, маркетинг борасида кўп имкониятларни беради. Шунингдек, логистика самарадорлигини ошириб, ходимлар томонидан юзага келадиган хатоларни минималлаштиришга кўмаклашади.

Лойиҳа давомида 2 500 000 та кодга буюртма берилган бўлса, бугунги кунгача улардан 250 мингга яқини дори воситаларига қўлланилмоқда.

“Asl Belgisi” мобиль иловаси ёрдамида

харидор у ёки бу дори воситасини харид қилишдан олдин ундаги рақамли кодни сканерлаб, маҳсулотнинг асллигига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Рақамли маркировкалаш тизими ҳалол ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиши, соғлом рақобат муҳитини яратиши, аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоялаш ҳамда солиқ тушумларининг ортишида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Маълумот ўрнида: “CRPT TURON” МЧЖ “Digital Holding” таркибига киради. Рақамли маркировка тизими операторидан ташқари “Ucell” ва “USM”нинг ўзбек активлари — “ICS Holding Uzbekistan” ҳам “Digital Holding” аъзоси ҳисобланади.

Д. УЛУҒМУРОДОВ.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 239 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6